



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 107 (9.910)

2003 ЙИЛ 3 ИЮНЬ

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 28-31 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Москва, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитларида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейга бағишланган тантаналарда иштирок этди.



29 май куни бўлган Москва учрашувининг умумий натижаси — ШХТни халқаро ташкилот сифатида шакллантириш жараёни ниҳоясига етди. Президентлар ташкилот органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни, эмблема ва байроғини тасдиқлади. Ташкилот органлари фаолиятига доир молиявий масалаларга аниқлик киритилди.

Ислоҳ Каримов Москвага жўнаб кетиш олдин журналистларга берган интервьюсида, Ўзбекистоннинг ШХТга аъзоликдан кўзлаган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирини муносабатини атрофлича шарҳлаган эди. Мамлакатимиз манфаатлари хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади. Бу хусусда ШХТ аъзоларининг қарашлари фарқ қилмайди.

Лекин Ислоҳ Каримовнинг фикрича, ШХТнинг ривожланиши учун фақат шу масалаларга эътибор қаратиш билан чекланиб бўлмайди. Ташкилотни сиёсий турли уйинлардан, бошқа давлатларга қарши қаратишга ури-

нишлардан, ҳар хил гуруҳбозликлардан сақлаш керак. Ҳамкорлик очиклик ва тенглик тамойиллари, аъзо мамлакатлар ва уларда яшовчи халқлар манфаати асосида қурилиши керак. Акс ҳолда, келишмовчиликлар юзага келиб, фақат саммитларда баландпарвоз гаплар айтилдиган, аксарияти қоғозда қолиб кетадиган ҳужжатлар имзоланадиган ташкилотга айланиб қолиши мумкин.

ШХТнинг Москва саммити ташкилотнинг шаклланиш жараёнига нуқта қўйибгина қолмай, унинг аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган тузилма эканига тасдиқ ҳам бўлди. Шу маънода, Президентимиз Тошкентга қайтиш чоғида журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ислоҳ Каримов бу таъкиднинг журналистларга ҳали маълум бўлмаган бир неча янгилик билан изоҳлади.

Авалло, шуни қайд этиш лозимки, ШХТнинг навбатдаги саммитига қай-

си мамлакат мезбонлик қилиши масаласи муҳокамаси чоғида Президентлар Ўзбекистон пойтахтини танлади. Ислоҳ Каримовнинг билдиришича, Ўзбекистон томони масала бу тарзда ҳал этилишини кутмаган экан. Аммо, сиёсатда тасодиқ бўлмайди. Мантиқан олганда, бу ечимнинг аниқ сабаблари йўқ эмасди. Гап шундаки, саммит мезбони ташкилотга раислик ҳуқуқини қўлга киритади. Бундай ҳуқуқ эса, ҳақли равишда ўзининг одил, қатъий ва мустақил сиёсати ага бўлган, бошқа давлатларнинг таъсир доирасига тушмайдиган ва таъйиқдан чўчимайдиган мамлакатга берилади. Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик ва интеграция борасидаги саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатдаги изчиллиги саммит қатнашчиларини мамлакатимизга шундай масъулиятли вазифани топиришига ундаган бўлса, ажаб эмас. Ушбу масъулият Ўзбекистонга берилган муносиб баҳо, мамлакатимиз нуфузининг яна бир эътирофи ҳамдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи (Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

Мухтарам Раис жаноблари!
Ҳурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари, Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шаҳсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга кўрсатилган меҳмондўстлик ва ушбу анжуманининг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Ўз мамлақати номидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида илк бор иштирок этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаога кўтлаш ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чўқур, самимий мин-

натдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШХТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутди. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларни муҳокама этиш ва тайёрлаш чоғидаги амалий, дўстона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШХТнинг Ижрочи қотиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дэгуан номзодини қўллаб-қувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббускорлик тилаймиз. Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган қўлампари, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси

Мамлакатимизда

● Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида мазкур давлатнинг Академик алмашувлар хизмати (DAAD) грантлари голибларга топширилди.

● Ўзбекистонлик биохимик олимлар ўзларининг хориждаги шериклари билан ҳамкорликда қандли диабетнинг бошланиш даврида ташхис қўйишнинг янги усулини ишлаб чиқдилар.

● Навоий вилоятида миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Кенгаз ташкил этилди.

● Самарқанд автойўл Давлат акционерлик бирлашмасига қарашли «Афросиёб» асфальт заводида янгидан жиҳозлаш ва замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш йомушлари ниҳоясига етмоқда.

● Жиззах ва Самарқанд шаҳарлари орасида янги тезорар электр поездлари қатнай бошлади.

● Тошкентда Ўзбекистон Бадиий академияси ва Хиндистон Маданият маркази томонидан «Фарғонада кўклам нафаси» кўرғазмаси очилди. Ундан миллий хунармандчилик, тўқувчилик ва заргарлик намуналари ўрин олган.

Жаҳонда

● Россия Федерацияси ва Хиндистон ҳамкорликда ўтказилган ҳарбий-денгиз мақшарларининг иккинчи босқичи бошланди.

● Россия телеканалларидан бирига берган интервьюсида АКШ Президенти Жорж Буш Вашингтон Эрон ва Сурияга нисбатан ҳарбий куч ишлатмаслигини билдирди.

● Нью-Йорк аэропортида Францияда ишлаб чиқарилган «Конкорд» русумли самолёт охириги марта қўнди. Эндиликда товушдан тез учадиган мазкур ҳаво кемалари фақатгина улкан музей экспонати сифатида хизмат қилиши мумкин.

● Непал пойтахти Катманду шаҳрида жаҳондаги энг баланд чўққи ҳисобланмиш Эверест забт этилганининг 50 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унга ўтган давр ичида «дунё томи»ни забт этган 400 га яқин альпинистлар, жумладан, чўққига биринчи бўлиб қадам қўйган 83 ёшли Янги Зеландиялик Эдмонд Хиллари тақлиф этилди.

● Канаданинг Торонто шаҳридаги мактаблардан бирида SARS касаллиги билан оғирган ўқувчи аниқланганидан сўнг ушбу ўқув маскани ёпиб қўйилди.

● 2002 йил натижаларига кўра йил давомида жами 76,7 миллион турист ташриф бурюрган Франция яна «Сайёҳлик мактаси» дея эътироф этилди. Иккинчи ва учинчи ўринлари Испания ва АКШ эгаллади.

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРСИЗ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ШХТ саммитида ташкилотнинг минтакавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Лекин кейинчалик бу фикр ўзгарди. Марказ қароргоҳини Тошкентга қўчириш борасида келишиб олинди. Албатта, бу қарор негизда ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашдаги амалий савий-ҳаракатлари, дадил ташаббусларнинг ҳиссаси катта, десак, ҳато қилмаган бўлаемиз. Ҳеч бир мамлакатни қамситмаган ҳолда айтиш мумкинки, аксилтеррор марказ фаолияти Тошкентдан бошқариб борилса, бу энг маъқул йўл бўлади. Ўзбекистон томони бу фикрнинг эътироф этилиши учун баёнотлар ёзган бўлиши йўқ, мамлакатимизнинг ҳатти-ҳаракатлари очик-ойдин кўриниб тургани учун эътибор ва эътироф табиий равишда ўз-ўзидан вужудга келди.

Шу маънода, ШХТнинг Москва саммити муваффақиятли кечди, дейиш учун барча асослар етарли. Ташкилот ўз фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлди ва улар барча аъзоларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилишга йўналтирилганининг тасдиғини топди. Президент Ислам Каримов ўзининг Москвада Хитой раҳбари Ху Цзинтао билан бўлган учрашувига ҳам юқори баҳо берди. Яқинда ХХР раиси лавозимини эгаллаган бу шахс ўзининг биринчи хорижий сафарини ШХТ саммитидан бошлагани муҳим воқеа, албатта. Чунки дунё ахли қудратли давлатлардан бўлиши Хитойдаги воқеаларни диққат билан қўзғатиб боради.

Ислам Каримовнинг Ху Цзинтао билан учрашуви Хитой матбуотида жуда кенг ёритилди. Бунга асосий сабаблардан бири эса Хитой раҳбарининг учрашувдаги сўзлари бўлди. Х.Цзинтао дунёдаги вазият қай йўсинда ривожланмасин, Пекин Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, айнакча, сармоа ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини доим эътиборда тутишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашувига журналистларнинг катта қизиқиши билдириши Х.Цзинтаонинг фикрларига жамоатчилик томонидан билдирилган бир тасдиқ бўлди.

ШХТ саммитидан кейин Президент Ислам Каримов шу кунларда 300 йиллик тўйини нишонлаган Санкт-Петербургга йўл олди. Бу ерда МДХ Президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик саммити доим қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтади. Президентлар байрам кайфиятида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай руҳда ўтди. Кун тартибидagi асосий масала - Эркин савдо зонаси. Бу ҳақида ҳужжат имзоланганига ўн йил бўляпти. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини тонгани йўқ. Чунки, Президент Ислам Каримов таъкидлаб келаётганидек, МДХда ташаббус кўп, тақлифларнинг адоғи кўринмайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар вужудга келаяпти, бир-бирининг ўрнига қайтадан тузилапти.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши раиси, Украина Президенти Леонид Кучманинг бил, иришича, Ҳамдўстлик

мамлакатлари орасида эркин савдо зонаси бўйича олтинчи зиддик икки томонлама ҳужжат имзоланган, бу улкан ҳудудда яна шунча эркин бозор сегментлари мавжуд.

Бу маълумотни келтиришдан мақсад хали-ҳамон МДХнинг айрим аъзолари тор доирада иш юритаётганини таъкидламоқдир. Барча мамлакатлар қонун ҳужжатларини мувофиқлаштирмас, чегара, божхона, солиқ масалаларини биргаликда ечмас экан, ягона бозор тўзиб бўлмайди. Майда бозорлар ташкил этиш ҳақида турли баёнотлар ёзган қилинчи, ишламайди ҳужжатлар тузилиши МДХдаги муносабатлар тизими га раҳна солади. Бошқача айтганда, ҳамма шу йўсинда ташаббускорликка берилиб кетса, МДХнинг эртаси ҳақида ижобий фикр айтиш даргумон бўлиб қолади.

Шу йилнинг февралда МДХнинг тўрт азвосо ягона иқтисодий минтақа тузишга келишиб олди. Унгача божхона иттифоқи ва Евроосий иқтисодий ҳамжамияти ҳам тузилган эди. Ўзбекистон бу ҳаракатларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Чунки МДХни тузишдан кўзаланган бош мақсаднинг ўзи турли соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолиб, уларни янгича шаклда ривожлантиришдан иборат эди. Ҳамдўстлик даражасида эришилмаган натижага эса, ғуруҳ-ғуруҳ бўлиб ҳаракат қилинганда ҳам эришиб бўлмаслиғи тайин.

Шу боис Ҳамдўстликнинг аввалги саммитида Эркин савдо зонаси масаласи жиддий муҳокама қилинганди. Санкт-Петербургга яна бош мавзуга айланди. Сентябрьда бўлажак Ялта саммитида ушбу зонани ташкил қилишининг биринчи босқичига нуқта қўйишга келишиб олинди.

Албатта, эркин савдо зонаси барпо этиш бир қунлик иш эмас. У кўп меҳнат талаб қилади. Аввало чегараларни очиб, божхонадан ўтиш тартибини мослаштириш, энгиллаштириш керак. Кейин солиқ, коммуникация масалаларини қўриб чиқиш керак. Қўнт билан ишланса, босқичма-босқич барча вазифаларни удаллаш мумкин.

Ислам Каримов Ялта саммити МДХ ҳаётида жиддий воқеа бўлишига умид билдирди. Бу ишда Россиянинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Россия МДХ аъзоларининг бошини қовуштиришда, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этишини ҳеч қим инкор этмайди. Бундан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор. Айни вақтда бошқа мамлакатлар ҳам амалий ҳаракатларига изчиллик бахш этиши мақсадга мувофиқдир.

Президентлар МДХ саммитидан кейин Санкт-Петербург юбилейига бағишлаб уюштирилган бошқа тадбирларда мулоқотларини давом эттирди. Ислам Каримовнинг таъкидлашича, баъзан қисқа, баъзан атрофлича суҳбат тартида ўтган бундай мулоқотлар давомида МДХ раҳбарлари бир тўхтамага келган. Демак, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидан юз бераётган ижобий ўзгаришлар МДХда ҳам инъикос топишига умид қилиш мумкин. Зеро, барча давлатларнинг истаги - ҳамкорлиқни ривожлантириш. Бу - яхши ният. Хайрли ният эса бесамар кетмайди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент - Москва - Санкт-
Петербург - Тошкент.
(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи (Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосийсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Яна бир гап шунки, халқаро ҳаётдаги сўнги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишининг аънаванавий, шаклангандек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва, пунда қилиб айтганда, тақомиллаштирилиши зарурлигидан далolat бермоқда.

Уйлайманки, сўнги йиллар воқеаларининг мантикий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада қучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал-хомашё захира-ларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортққ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Табиийки, бундай истиқболга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклиги ва биринчи гада воқеаларнинг салбий йўналишда ривожланишининг олдини олиш, Х.Карзай раҳбарлигидаги марказий ҳукуматга умумий мақсадга эришиш - узоқ муддатли тинчлик, барқарорлик ва мамлакат тикланишини таъминлаш йўлида этник, минтақавий ва диний қучларни бирлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш даркорлигини айтиш тўшунмаз.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг туган ўрни бекиёс, у шаклангани сари минтақадagi таъсири, шубҳасиз, муттасил қучайиб боради.

Мухтарам давлатлар раҳбарлари! ШХТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бутун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Мен Владимир Владимирович Путиннинг бугун шакллантирилаётган ШХТ халқаро сисъатининг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШХТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги бу ерда билдирган фикрига тўла қўшиламан. Уйлайманки, бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадagi рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасиздир.

Иккинчидан. Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айримчилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболагасиз, ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор марказ тузилмоқда. Бу ўринда, террорчилик ҳаракатла-

ри кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай гайринисоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биз ақидабаратлик мафқураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва заҳарлаётган, уларни ўзининг итоткор қуролига айлантараётган мафқура йўлида мустаҳкам тўсиқ қўйиш бугунги кунда муайян жиний террорчи ғуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Минтақамизда «Хизбут-таҳрир» каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора ҳавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши қичиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда.

Дароке, бу реакция ақидабаратлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида таққиланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин, таассуф билан тан олиш кераки, бу ёвуз кучга қарши курашда ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва ичлик кўзга ташланмапти. Бу эса, у-навбатда, бутун минтақда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Учинчидан. Келажақда ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бу ҳақда кўп ҳаммасларим гапиряпти. Турмуш шариитини тубдан яхшилаш ва муносив келажакни таъминлаш борасидаги савий-ҳаракатларни бирлаштириш - бу, пировардига, халқларимиз кутаётган мақсад-муддаодир.

Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряптимиз. Миграция масалаларини ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақда келажаги учун катта хавф солмоқда.

Шу боис ШХТ доирасида ҳам интеграция, умуминтақавий бозор яратига ягона ёндашувларни ишлаб чиқи борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Амминкам, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШХТга эъза барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади.

Шу маънода транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Гап, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақда кенг кўламада инвестициялар келишини таъминлаш учун мисли қўрилмаган имкониятлар очидиган йўналишлар ҳақида бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтмоқчиманки, ШХТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади. Эътиборингиз учун раҳмат.

Тошкент — Будапешт:

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Мамлакатимизга Будапешт шаҳри мэри Габор Демский бошчилигидаги Венгрия Республикаси делегациясининг ташрифи давом этмоқда.

Кеча

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмоновнинг Венгрия делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув давомида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Будапешт шаҳри маъмурияти ўртасида шаҳар ҳўжаллиги, таълим, маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда шаҳар маъмурияти кўринишида иж-роия вакилликларни тизимини та-

комиллаштириш борасида битим имзоланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихий харақтерга эга эканлиги яхши маълум, — таъкидлаб ўтди жаноб Габор Демский. — Айни пайтда бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш дав-рида айниқса иқтисодий ҳамкорликка муҳим эътибор қаратган ҳолда алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ниятимиз ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига, шу жумладан тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб қилишдир. Шаҳарларимиз ўртасида имзоланган битим асосида шунингдек, туризм ҳамда ушбу соҳага оид меҳмонхоналар ҳўжаллигини ривожлантириш юзаси-дан мутахассислар тажрибаси билан алмашини ҳам кўзда тутилган. Бу бежиз эмас, нега деганда сиз-нинг мамлакатингизда кўччилик учун

қизикарли ҳамда манфаатли бўлган туризминг тармоқлари ривожланган. Бу борада дунёга донги кет-ган Самарқанд, Бухоро, Урганч каби Шарқ дурдоналари, шунингдек, замонавий мегаполис кўринишидаги Тошкентда жаҳон маданияти хази-насига киритилган мейморий оби-далар мавжудлиги Ўзбекистоннинг юксак маънавий ва маданий сало-ҳиятга эга эканлигини далolatдир. Бундан ташқари, ўзаро ҳамкорлиги-мизнинг кейинги босқичларида ша-ҳар қурилиши соҳасида ҳам бирга-лиқда лойиҳаларни амалга оши-риш режалаштирилган. Дароке, Тошкентга Будапешт шаҳрининг тарихи ва бугунги ҳаётига бағиш-ланган фотоўргазма келтирганимиз. Уйлайманки, унинг ўзбек халқига на-

мойиш этилиши янги босқичдаги ўзаро ҳамкорлигимизнинг дастлаб-ки амалий кўриниши бўлиб қолади.

Венгрия делегацияси вакилла-ри шу кунги Ташки иқтисодий ало-қалар вазирлиги ва Ўзбекистон му-сулмонлари идорасига ташриф буюриши, шунингдек Қатагон қур-бонлари хотираси музейи, Тему-рийлар тарихи ва амалий санъат музейлари экспонатлари билан та-нишдилар, Ўзбекистон Давлат кон-серваторияси ҳамда Юносулбод спорт мажмуасида ҳам бўлдилар. 6 июнга қадар давом этадиган таш-риф доирасида Венгрия делегация-си Бухоро, Урганч ва Хива ша-ҳарлари билан ҳам яқиндан тани-шади.

Ильмира ШАРИПОВА

Маданият

ШУБЕРТ АСАРЛАРИ
ЯНГРАДИ

Машҳур немис композитори Франц Шуберт асарлари ўзбек санъаткорлари ижросида ҳам жозибали янграмоқда. Мазкур ижодкорнинг кўпгина кўшиқ ва романслари эндиликда Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта опера ва балет театри солистлари концерт дастуридан ўрин олган.

Шуберт таваллудининг 175 йиллигига бағишланиб тайёрланган концертда ана шу асарлар яна бир бор маҳорат билан томошабинлар эътиборига тақдим қилинди. Гулгина Зокирова, Светлана Парсавалар куйлаган кўшиқлар ҳам завқ-шавқ билан тингланган.

Ушбу концертда Успенский номидаги республика болалар мусиқа мактаби ёш ижрочилари ҳам қатнашдилар.

РАҚС ЭТЮДЛАРИ

Тошкент Давлат цирки ижодий жамоаси томошабинларни хушнуд этиш мақсадида мусиқали танго-фолк дастурларини ҳам тайёрламоқда. Цирк томошаларини намойиш этиш жараёнида бу каби мусиқалар ҳам ижро этилмоқда.

Айни вақтда «Рақс этюдлари» лавҳалари ҳам ҳозирланди. Яқинда саҳналаштирилган «Узук билан рақс» деган мусиқали этюд ҳам тайёр бўлди. Ушбу шўхчан номер арабча куй жўрлигида ижро этила бошланди.

Лайло Раҳматуллаева ва Бахтиёр Эгамбердиевлар томонидан бажарилаётган гимнастик ўйинлар мусиқали лавҳалар ижросида томошабинларга тақдим этилди.

МУЗЕЙ НАШРЛАРИ

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейида кўпгина ноёб экспонатлар намойиш қилинмоқда. Томошабинлар эътиборини ўзига жалб этаётган бу ижод намуналари орасида миллий хунармандчилик, амалий санъатга оид экспонатлар ҳам анчагина.

Музей жамоаси саъй-ҳаракати билан бу бой экспозиция бўйича каталог наشري босмага тайёрланди. Яқинда чоп этилган бу тўпلامда музей фаолияти ўз аксини топди. Бундан ташқари «Амалий санъат музейи» деб номланган буклет ҳам босиб чиқарилди. Айни вақтда навбатдаги янги нашрлар устида иш олиб борилаётган. Томошабинларга қулай бўлсин деб «Музей заллари бўйлаб» деган китобча ҳам нашрдан чиқади.

Акбар АЛИЕВ

• МУЛОҲАЗА **Ҳайдовчи ва
пиёда маданияти**

Азалдан ўзбек халқи ўзининг юқори маданияти ва орияти билан бошқа миллатлар орасида ажралиб турган. Катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўл, деб бекор айтмаган доно халқимиз. Узининг юқори маданияти ва зиёлилиги билан кўпчиликлари ўрнатилган ҳам-шаҳарларимиз эса сон-саноксиз.

Лекин, кейинги пайтларда асрлар давомида сайқалланиб келган маданияти-миз, одобимиз намоен бўлаётганими-йўқми, шу ҳақда қисқача фикр юритмоқни лозим топдик.

Буни биз ҳайдовчи—йўл—пиёда тизимида яққол кўришимиз мумкин. Шу кундаги ҳаётимизни автомобилларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳаммамизга аён. Айниқса, Ўзбекистонимиз авто-мобилга ишлаб чиқарадиган давлатлар сафига киргач, кўчаларимизда автоуловларнинг сони кескин ортиб кетди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган авто-мобиллар сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига жавоб бераётган бир вақтда йўлларимизнинг сифати, уларнинг ҳаракатни тартибга солувчи воситалар билан жиҳозланганлиги, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг интизомлилиги замон талабига жавоб бериши жуда муҳим эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бугунги кун ҳайдовчиси ким? Бу ҳайдовчилик курсларини тугатиб, гувоҳнома олиган, ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган фуқаро. Кейинчалик ўз малакасини оширмайдиган, ҳаракатланиш жараёнида туғилмаган кўпгина саволларга жавоб топа олмайдиган ёш мутахассис. Ваҳоланки, ҳар бир ҳайдовчи, қайси тоифадаги транспорт воситаларини бошқаришидан қатъи назар камида икки йилда бир маротаба ўз малакасини ошириш мақсадида ўқув таълим-лотларига мурожаат қилиши керак. Авто-транспорт корхоналарига янги қабул қилинган ҳайдовчиларни тажрибали ҳайдовчиларга бириктириб қўйиш, ушбу корхоналарда ҳаракат хавфсизлиги муҳандисларининг йўл-транспорт ҳодисалари билан ҳар хил қоидабузарликлар орасидаги боғлиқлиқни таҳлил этиб боришлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шу борада ҳайдовчи бошқа транспорт воситасининг ҳайдовчисини ҳурмат қиладими? — деган саволга жавоб қидириб кўрамиз. Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиб юрадиган ҳар бир ҳайдовчи бошқа бир интизомсиз ҳайдовчи томонидан қоидаларнинг қай тарихда бузилаётганлигининг гувоҳи бўлади. Мижоз кўл кўтарганида йўлнинг исталган жойида тўсатдан тўхташ — барча ҳолларда орқа томондан келиб урилган транспорт воситасининг ҳайдовчисини айбдордир, деган нотўғри тушунчани келтириб чиқаради. Бундай «худбин» ҳайдовчининг ўзи йўлнинг белгиланган қисми-

да тўхтамай, қоидаларнинг керакли банди-ни қўпол равишда бузган бўлади.

Бурилиш чироқларини ёқмасдан қатор алмаштириш, тезликни вазиятга тўғри баҳр бермасдан ошириб юбориш, ҳатто йўлчиқорнинг тақиқловчи ишораларига амал қилмаслик баъзи ҳайдовчилар учун одатий тусга айланиб қолмоқда.

Шу борада пиёдаларнинг интизоми ҳақида ҳам тўхтаб ўтмоқчимиз. Пиёдаларнинг йўлнинг қатнов қисмида бемалол «сайр» қилиб юришлари, кўчанинг исталган жойидан кесиб ўтишлари оғир оқибатларга олиб келишини уларнинг ўзлари нуқутиб қўйганлар чоғи. Ҳар бир пиёда йўлларда ҳаракатланаётган экан, у бевосита ҳаракатланиш иштирокчисига айланади ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъиян амал қилмоғи лозим. Йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган пиёда ўз ҳаётини хавф остига қўйди ва ҳайдовчининг ҳам асосли эътирозларига сабабчи бўлади.

Баъзида йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчи ва пиёдаларга нисбатан маъмурий жавобгарликни ку-чайтириш керак, деган фикрлар ҳам ту-ғилиб қолади. Лекин бизнинг фикримизча, қоидабузарликларни фақат жазолаш йўли билан камайтириш ун-чалик ҳам самара бермайди. Қоидабу-зарлар билан фақат йўл ҳаракати хав-фсизлиги инспекторлари курашишлари керак деган фикр ҳам ҳақиқатдан йироқроқ. Бу соҳада кенг омма, жамоатчилик биргаликда иш олиб борагани ижобий натижаларга эришимиз мумкин.

Халқимизда «Касални даволагандан кўра унинг олдини олган яхши», деган яхши бир мақол бор. Шунинг учун қоидабузарни фақат жазолагандан кўра, уни қоидаларни ҳурмат қиладиган, уларга амал қиладиган ҳаракатланиш иштирокчисини қилиб тарбиялаш бугун-ги куннинг долзарб вазифасидир.

Йўл-транспорт ҳодисалари оқибати-да ҳалок бўлаётган ёки майиб-мажруҳ бўлиб қолаётган инсонларнинг, айниқса келажагимиз умиди бўлган ёш бола-ларимизнинг тақдирини ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак.

НОСИР ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳар ҳайдовчиларни
тайёрлаш ўқув корхоналари
фаолиятини
мувофиқлаштирувчи
Кенгаш котиби

• МАҲАЛЛАЛАРДА

Ихчам, тезкор, замонавий қуроллар ва техника билан жиҳозланган, давр талабларига мос, чегараларимиз даҳлсизлиги, халқимиз тинчлиги ва оқсоқлигини ҳимоя қила олишга қодир Қуроли Кучларни барпо этиш овоз юртимиз истиқболи учун энг долзарб вазифалардан биридир.

**ДАВРА
СУҲБАТИ**

II қакириқ Олий Мажлиснинг X сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни айнан мана шу мақсад-вазифаларни ўзида мужассас этди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида фуқароларни хизматга тайёрлаш, ҳар жиҳатдан тайёрғарли-ги талабга жавоб берадиган ёшларни хизматга танлаб олишда давлат ҳокими-яти органлари, ҳарбий бошқармалар, жамоатчилик ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги-ни йўлга қўйиш курсатиб ўтилган эди.

Шу маънода шахримиз туманлари, маҳалларда, ўқув масканлари, корхона ва ташкилотларда мудофаа бўлимлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамоғамалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида давра суҳбатлари, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан Шайхонтоҳур тумани мудо-фаа бўлими томонидан ўтказилаётган уч-рашувлар ҳам айнан янги Қонун ижроси-си, мазмун-моҳияти, ёшларни Ватан му-дофаасига ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан яхши тайёргарликка эга бўлишлари йўлида уштурулмоқда.

— Туманимиздаги деярли барча ма-ҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатла-ри бўлиб ўтди, — дейди Шайхонтоҳур тумани мудофаа бўлими бошлиғи Зо-ҳид Аҳмадхўжаев. — Айниқса «Оби-на-зир», «Хадра», «Оқлон», «Чорсу», «Қора-тош», «Тахтапул» маҳаллалари ва «Урда» гузариди бўлиб ўтган учрашувлар жуда фойдали бўлди десам янглишмайман. Чунки ушбу маҳаллаларда бўлганимиз-да барча ёшдаги фуқаролар хизмат тур-лари, умумий ҳарбий мажбуриятлар, янги сафарбарлик қақриуви резервида-ги ҳарбий хизматни ўташ, янги қонун бўйича қабул қилинган қонун-қоидалар билан қизқидилар ва уларга бу борада тўлиқ маълумотлар берилди.

Ҳа, маъддатли ҳарбий хизматга жисмо-ний ва ақлий жиҳатдан муносиб бўлган йигитларни танлаб олиш, уларни замо-навий тест усули орқали синовдан ўтка-зиш Миллий Армиямиз сафларини ҳақиқий Ватан посбонлари билан тўлди-ришга асос бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

• ТАДБИРЛАР

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Атокли ёзувчи, шоир ва публицист, жамоат ар-боби Хусайн Шамс ўзининг қисқа, лекин мазмун-дор ҳаёти давомида ўзбек адабиёти тараққиётига баракали ҳисса қўшган ижодкордир.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида Хусайн Шамс таваллудининг 100 йилли-ги муносабати билан хо-тира кечаси бўлиб ўтди. Кечани ёзувчилар уюшма-си раиси, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ори-пов кириш сўзи билан очди.

Филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов Хусайн Шамснинг ижоди, ярат-ган асарлари, машаққат-ли лекин нурафшон

олимлар ва талабалар иш-тироқ этди.

Гульнора ДАМИНОВА
СУРАТДА: Хусайн

Шамс таваллудининг 100 йиллигига бағиш-ланган хотира кечасидан лавҳар.



Юрбощимизнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ судларнинг ихтисослашуви йўлга қўйилди. Судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, уларнинг фуқаролик ишларини ҳамда жиноят ишларини кўрувчи судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифати ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлайди. Биз ҳозирги кунда мураккаб иш юритаётган фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар фуқаролик суди раиси ўринбосари Ҳабибулла ЖУЗБАНОВ билан суҳбатда бўлдик.

• ИСЛОҲОТЛАР

ОДИЛ СУДЛОВ ЙЎЛИДА

— Ҳабибулла Сейсенбоевич, айни кунларда фуқаролик судида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Маълумки, Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ихтисосини ривожлантириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, инсон қадрини, шаънини улуғлаш, эркин, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида қатор қонунлар қабул қилинди. Бу йўлда энг муҳим, дадил қадамлар қўйилди. Шулардан асосийси фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий орган — судларни ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Суд ислохотларини амалга ошириш жараёнида суд органларининг ваколат доиралари кенгайтирилди.

2000 йил 14 августдан давлатимиз раҳбари Искон Каримов Фармони билан умумий юрисдикция судлари таркибиде фуқаролик ишлари бўйича судлар алоҳида бўлиб ташкил этилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ташкил этилишига асосий сабаб бозор иқтисодиётига ўтилгандан кейин ижтимоий турмуш тарзимиз мезонларига янгилари қўшилди. Қонунийликда ҳам мулкларнинг шакли кўпайди. Илгари фақат давлат мулки ва шахсий мулк бўлган бўлса, энди хусусий мулк, жамоат мулки, акциядорлик жамиятларининг мулкка нисбатан эгаллик ҳиссаси, тадбиркорлик бўйича эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эгаллик ҳуқуқлари пайдо бўляпти. Бундан ташқари фуқароларимизнинг чет эл қўшма корхоналари билан ҳуқуқий муносабатлари ривожланиб, ҳуқуқий мажбуриятларга нисбатан дивиденд ҳуқуқларига оид масалалар ҳам фуқаролик судларида кўриляпти.

Фуқароларимиз ўртасида ҳуқуқий онг сезиларли даражада ўсди. 1995-2000 йилларда йилга шаҳарнинг туман судларида 17-18 миң атрофида фуқаролик ишлари кўрилган бўлса охириги йилларда бу рақам 25.000 дан ортиб кетди. Ҳозирги кунларда фуқаролар ўртасида энг кўп кўриладиган низолар асосан мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқи ва турар жой бўйича низолардир. Улар суд ишларининг 25-30 фоизини ташкил қилади. Олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топши, қарз ундириш масалалари юзасидан ҳам кўплаб низолар учрамоқда. Холбуки, қонунларимизда барча ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган. Масалан, қарз масаласида. Фуқаролик Кодексининг 108-моддасида битимлар қиймати энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ошадиган бўлса ёзма шаклда тузилиши кераклиги ҳақида айтилган. Қонун бўйича уй-жой, машина, қимматбаҳо буюмлар юзасидан битимлар нотарийал тартибда тасдиқланиши керак.

Айниқса иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг 9-сессиясида Юрбощимизнинг маърузаларида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор вазифалардан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш таъкидланган эди. Бу борада, шунингдек «Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги давлат дастурининг ижроси йўлида изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан суддаги ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари бирмунча ошди, ишларни кўриб чиқишда апелляция тартибининг жорий этилиши эса юқори судларга ишларни пухтаро кўриб, адолатли ва қонуний ҳал қилув қарори чиқариб ҳал этиш имкониятини берди. Ўз навбатида фуқароларнинг одил судловга ишончи ортишига ҳам хизмат қилмоқда.

— Ишларни апелляция тартибиде кўриб чиқилишининг жорий этилиши хусусида қандай фикр билдирасиз.

— Ишларнинг апелляция тартибиде кўриб чи-

қилиши юқори суд инстанциясига далилларни бевосита текшириб чиқиш ва ишонинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради. Суд ишларини юритиш самарадорлиги ва тезкорлигини оширади, давлат маблағларининг жиддий тежаллишига олиб келади.

Апелляция институтини процессуал қонунчилигимизга киритилгунга қадар, шаҳар суди судлов ҳайъати иш бўйича қўшимча текширилиши лозим бўлган ҳолатларнинг ҳажми катта бўлган тақдирда, ишларни янгидан кўришга юборар эди. Эндиликда эса юқори суд биринчи босқич суди томонидан ўрганилмаган қўшимча далилларни талаб қилиш ва уларни баҳолаб, шунинг асл моҳиятини аниқлаб, низо бўйича янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Бу эса ишларни бир неча йиллаб чўзилишининг олдини олади ва фуқароларнинг сарсонгарчилигига барҳам беради.

2001 йилда шаҳар судида туманлараро судларнинг қарорлари юзасидан 95 та янги ҳал қилув қарорлари чиқарилган бўлса, 2002 йилда бу рақам 102 тани ташкил этди. Бу деган сўз шунча иш бўйича низоларга нуқта қўйилганини аниқлатади.

Агар, судлар кўриб чиқаётган фуқаролик ишларининг сони йилдан йилга ошиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, қилинаётган ишлар салмоғи кўзга кўринади. Масалан 2001 йилда шаҳар бўйича 28.072 та иш келиб тушган бўлса, шу ишлар бўйича 23.420 та ҳал қилув қарори чиқарилган, 22.534 та давволар қаноатлантирилган. Демак 96 фоиз фуқароларнинг даъволари асосли, тўғри деб топилди, қаноатлантирилган.

2002 йилда жами 27372 та келиб тушган ишлар бўйича 20240 та ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, 19266 та даъво талаблари ёки 95 фоиз қаноатлантирилган.

• Фуқароларимизда, кундалик қандай ҳуқуқий масалаларда тушунмовчиликлар мавжуд деб ҳисоблайсиз?

— Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий билим даражаси ҳали етарли даражада эмаслигини оддий даъво талабини аниқ ёритиб беролмаганидан кўриш мумкин. Масалан: даъвои ҳуқуқий жиҳатдан ёритиб бериш, тегшли судга ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда мурожаат этиш кабилар ўрнига юқори органларга оддий ариза билан қақадилар. Холбуки, бу ишлар уларнинг ваколатига кирмайди. Олди-сотди шартномаси нотарийал тартибда расмийлаштирилган бўлиши кераклиги, уйнинг олди-сотди масаласини амалга ошириш учун шу мулкка фуқаронинг эгаллик ҳуқуқи бўлиши шартларига ётиб берилмайди ва оддийгина ҳолатда ҳам инсон ҳоқилиши мумкин.

Хусусийлаштирилган хонадонларнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда сотиб олинаётган уйнинг ҳужжатлари тўлиқ кўриб чиқилиши керак. Хусусийлаштирилган квартира (уй)ларга бир неча шахслар улушли мулк ҳуқуқи асосида эгаллик қилиши мумкин, у сотилишида барча эгаларнинг розилиги бўлиши шарт. Агар қонуннинг бу талаби бажарилмаса, олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилди. Демокчанлик, ҳар бир инсон ўзига озгина талабчан, эътиборлироқ бўлиши лозим, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва талаб қила билиши керак. Хусусан, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотлар, у қайси соҳада бўлмасин ягона мақсад йўлида — инсонларнинг қадр-қиммати, шаъни-шаъвати, ҳуқуқ ва эркинлиги, тенглар ичра тенг бўлиб юриши йўлида қилинаётган саяё-ҳаракатлардир.

Судьяларимиз иштирокида маҳаллалар, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларга чиқиб учрашувлар, давра суҳбатлари, қизикarli анкуманлар ўтказилмоқда. Мақсадимиз фуқароларимизга ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар, қонунқондалар, имтиёз ва имкониятлар ҳақида тушунириш бериш, ҳуқуқий саводхон бўлишларига ҳисса қўшишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

• ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Маълумки кейинги пайтларда Республикаимизга кўплаб чет эл давлатларининг расмий делегациялари ташриф буюриб, турли тармоқларни ривожлантириш борасида икки томонлама фойдали шартномалар имзоланмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига Буюк Британиядаги Сентрекс полиция коллежи вакиллари, жаноб Кристофер Ватт ва Хизер Мюррей хонимлар ташриф буюришди. Меҳмонларни Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Ғайрат Қодиров қабул қилиб кейинги йилларда пойтахт ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида сўзлаб берди.

Ташриф давомида меҳмонлар Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқар-

маси навбатчилик қисми ва Ахборот марказлари фаолиятлари билан яқиндан танишди.

— Биз Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг келишувига кўра серкўёш юртингизда бўлиб ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолияти билан яқиндан танишмоқдамиз, — дейди жаноб Кристофер Ватт. — Шу кунгача Ички ишлар вазирлиги ақадимияси ва ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрловчи бошқа олий


ўқув масканлари фаолияти билан яқиндан танишдик.

Ички ишлар идораларида ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг жиноятчиликнинг олдини олиш борасида самарали фаолият кўрсатаётганликларига шохид бўлдик.

Уйлайманки, икки томонлама тажриба алмашишимиз келгусида ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда яхши самара беради.

Ташриф якунида меҳмонлар бош бошқарма касбий ва жисмоний тайёргарлик марказида бўлишди. Бу ерда меҳмонлар пойтахт кинология марказида хизмат итларининг тайёргарлик даражасига юқори баҳо бердилар.

Азиза РАҲМАТУЛЛАЕВА



• ТАДБИРЛАР

ФАҲРИЙЛАР ЭЪЗОЛАНДИ

«Қариси бор уйнинг, париси бор», деб бежиз айтилмайди. Зеро, узок умр кечириб, кўп йиллар давомида турли жаҳалларда меҳнат қилиб ҳаётий тажриба тўплаган кексаларимиз тажрибаларидан фойдаланиш доимо ижобий натижалар беради.

Куни кеча Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси «Маънавият ва маърифат» марказида Бош бошқарма Фаҳрийлар Кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги милиция подполковниги Николай Хабаровнинг табарук 90 ёшга тўлганлиги муно-

сиб нишонланди. Унда сўзга чиққанлар Николай Хабаровнинг «Инсон йиллик ҳаёт сабоғи кўн-илик учун ўрнак олса арзигулик эканлигини таъкидлашди. Ушбу фидойи инсон ҳамон эл хизматиде камарбаста бўлиб келмоқда.

Ҳалоллик, оддийлик фазилатларига бой, самимий дўст ва таърибон астой ҳақида илм-сўзлар устиде, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари Ҳамза туманидаги «Мадирбек» масканида Ҳамза тумани ички

ишлар бошқармасида узок йиллар ҳалол меҳнат қилиб ҳозирда нафақада бўлган фаҳрийлар учун ҳам тадбир уюштирилди.

Учрашувга ташриф буюрган фаҳрийлар ўзаро мулоқотда бўлиб, ҳозирги кунда ҳам бой ҳаётий тажрибаларини маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлашга сафарбар этаётганликларини тўғрисида фикр алмашдилар.

Ийғилганлар кўнглига санъаткорлар ўз чиқишлари билан илиқлик бахш этдилар. Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

• ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Уша куни Раҳим ўқишдан келди, озрок ароқ ичгандан сўнг, ўзи билан ноқонуний яшаб келаётган Дилдорига, бир оз дам олмоқчи эканлигини айтиб диванга чўзилди. Шу пайт телефон узок жиринглади.

ҚОТИЛГА — ОЛИЙ ЖАЗО

Раҳим гўшакни эринибгина олар экан, қайинсинглиси Гулбахор эканлигини билиб бир оз ранжиди. Чунки Гулбахор ўқишга келиб маълум вақт опасининг уйда турди. Бу орада ҳар хил гап-сўзлар қилиб, опаси билан Раҳимнинг яшашига, қилаётган ишларига аралашадиган бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам у Гулбахорнинг овозини эшитаркан бир оз асабийлашди. Гўшақдаги ўзаро ҳол-аҳвол сўрашлар, суҳбатлар жанжалга айланди.

Раҳим Гулбахорнинг бундай ҳақорат қилишини кутмаганди. Майли, оливай ишларига аралашиб, хўжайинчилик қилиб турарди, ўйлади Раҳим, ахир она-сингилларни моддий жиҳатдан таъминлаб турсам, яна нима керак. Раҳимнинг бу ранжишлари Гулбахорни қасддан ўлдириш режасини тузишга ундади. У гўшакни шахт билан қўярган, ошонга кириб ошпичоқни олиб котиумининг ички чўнтағига солди ва мудраб ўтирган Дилдорага ўшқирди.

— Тур, синглингнинг олдиға ўтиб келайлик, менинг ишим бор...

— Нима гап, дейишга улгур-

маган Дилдорани, тезроқ бўл деб шоширди.

Дилдорани шоширишдан мақсад Раҳим Дилдора орқали эшикни очирмоқчи ва Гулбахорнинг ўлдирмоқчи эди.

Раҳим Дилдора билан Сергели туманига йўл оларкан, унинг асабийлашиши босилмади.

Ун учинчи уйнинг йигирма олтинчи хонадонига келиб эшикни тақиллата бошладилар. Гулбахор Раҳим ва Дилдораниннг овозини эшитиб эшикни очди.

Раҳим хонаға бостириб кираркан қўлида пичоқ билан Гулбахорга ташланди. Дилдора Гулбахорни ҳимоя қиламан деб Раҳимнинг қўлидаги пичоққа тирмашди, аммо бу Дилдораға қим-матта тушди. Раҳим Дилдорани ҳам аяб ўтирмади, унинг орқасига пичоқ билан ура бошлади. Дилдора ерга йиқилиб тушаркан, унинг аллақачон жони узилиб бўлган эди.

Раҳим ерда ётган Дилдорани четлаб ўтар экан Гулбахорға ташланиб унинг кўкрак қисмининг турли жойларига бир неча марта шафқатсизларча пичоқ ура бошлади. Натижада у икки кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Суд ҳайъати ушбу ишни атрофлича ўрганиб чиқар экан

барча далилларга баҳо берган ҳолда, судланувчи Раҳимнинг Дилдорани қасддан ўлдирмадим, деган вақини танқидий баҳолада ва ишни ҳақиқий ҳолатига тўғри келмайди деб топди. Чунки Раҳим Гулбахорға нисбатан уни қасддан ўлдириш жиноятини содир этишни хоҳлаган ҳолда уйдан пичоқ билан қуролланиб келган.

Натижада бир киши эмас, икки кишининг қотилига айланган.

Суд ҳайъати судланувчи Раҳимнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисмида кўрсатилган турли яъни, «а», «ж», «г», «о» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этган деб топди ва олий — ўлим жазосини тайинлади.


Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оғир оқибатларга олиб келишини ўйламай, телефонда қилинган ҳақорат Раҳимни фожиага қўл уришига сабаб бўлди.

Шоҳрух АЗИМОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси жиноятлари тергов қилиш бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси.

Қуролли Кучларимиз сафлари мард, жасур, она-Ватан ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида қалқон бўла оладиган йигитлар билан тўлиб бормоқда.

Ички ишлар вазирлигига қарашли ички қўшинларга сержант ва мутахассислар етказиб берувчи ўқув марказида ҳам Ватан посбони деган номға муносиб ўғлонлар тахсил олишмоқда.

Ҳасан Пайдоев олган сурат.



Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютаға оид жиноятларға қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Улардан айримлариға тўхталиб ўтсак. Жумладан, бошқарма ходимлари эътиборини «Қарвон бозори» олдидеги автомобиллар тўхташ жойида чет элда ишлаб чиқарилган товарлар юкланган КаМАЗ русумли давлат рақами 15 АА 464 бўлган автомобиль ўзига тортган. Автомобиль хайдовчиси А. Исломовдан автомобилнинг юкюнасидаги товарларнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлари сўралганида у ушбу молларни унинг автомобилига Харбанд Сингх исмли Ҳиндистон Республикаси фуқароси Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 1-тор кўчадаги «Бехрузбек Муслима» масъулиятли чекланган жамиятиға тегишли омборлардан ортганилигини ва Фаргона вилоятининг Қўқон шахриға олиб бориб беришни илтимос қилганилигини ва барча ҳужжатлар Харбанд Сингхда эканлигини айтган.

Утказилган тезкор тадбирлар натижасида «Бехрузбек Муслима» масъулиятли чекланган жамиятиға тегишли омборларда Ҳиндистон фуқаролари томонидан Ўзбекистонға ҳар хил ноқонуний йўллар билан чет элда ишлаб чиқарилган мато, газлама маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номидаги хусусий тадбиркорлик гувоҳномалари асосида олиб келинган аниқланди. Ноқонуний моллар ушбу тадбиркорлар орқали назорат-касса аппаратларини ишлатмасдан, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг импорт товарларининг олиб келиниши ва сотилишини тартибга солувчи қарорлари, хусусан юқорида қайд этилган 154 қарори талабларига зид ра-

вишда сотилиб, савдо пулларини банка инкассация қилмасдан, «қора бозор»да валютаға айлантириб чет элга олиб чиқиб кетиш билан шугулланиб келинганлиги маълум бўлди. Шу йилнинг февраль ойида бошқарма ходимлари томонидан олинган тезкор маълумот бўйича «Бехрузбек Муслима» МЧЖ ҳудудида текширув ўтказилганида Ҳиндистон фуқаролари жамият раҳбари Х. Урмас ва бундан иборат молларнинг қисмидаги товарларнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлари сўралганида у ушбу молларни унинг автомобилига Харбанд Сингх исмли Ҳиндистон Республикаси фуқароси Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 1-тор кўчадаги «Бехрузбек Муслима» масъулиятли чекланган жамиятиға тегишли омборлардан ортганилигини ва Фаргона вилоятининг Қўқон шахриға олиб бориб беришни илтимос қилганилигини ва барча ҳужжатлар Харбанд Сингхда эканлигини айтган.

Ушбу омбор ва дўконлардан жами бўлиб ҳеч қандай божхона ҳужжатларисиз бўлган 509.631.445 сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган товар-моддий бойликлари далилий ашё сифатида олиб кўйилди.

Утган йили Вазирлар Маҳкамаси томони-

ва бу борада ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган айрим иллатларни бартараф этишға қаратилган.

Тошкент шаҳар пркуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютаға оид жиноятларға қарши курашиш бошқармаси ва унинг туман бўлимлари томонидан жорий йилнинг I чораги давомида валютаға оид қонунбузарликлар юзасидан жами 107 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди, 80 та иш бўйича жиноят ишлари ва 27 таси бўйича маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 119.730 АҚШ доллари, 6460 Россия рубли, 100 Қозғистон тенгеси, 5900 АҚШ долларидаги йўл чеклари ва 17 миллион 463 миң сўм даъбий ашё сифатида олиб кўйилди.

Яқинда бошқарма ходимлари томонидан Юнусобод тумани, 9-мавзеда жойлашган «Ўзсаноатқурилиш» банкнинг Юнусобод тумани бўлимидаги валюта айирбошлаш шохобчасига фуқароларни навбатға қўйиш билан шугулланиб келишиги ва бунинг эвазига 50 миң сўмдан 90 миң сўмгача ноқонуний хизмат ҳақи олишлиги, фуқаро Ж. Махкамова ва М. Муҳамедоваларнинг ҳар бирининг паспортига 1500 АҚШ долларида олдирилганлиги ва бунинг эвазига валюта айирбошлаш шохобчасига уларни навбатға қўйишға ваъда берганлиги аниқланган.

Шунингдек бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида фуқаро Р. Ю. Миробод туманидаги Кунаев ва Нукус кўчалари кесилган жойда жойлашган 16 қаватли 86/1 уй ёнида қонунға хилоф равишда 9000 АҚШ долларини 10 миллион 725 миң сўмға сотаётган вақтида қўлга олинди ва шу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қонунни четлаб ўтиб, ноқонуний олди-сотди билан шугулланаётган шовшовлар шунини билиб қўйишлари лозим: «Кўза кунда эмас, кунда синади».

530 миң сўм берган. Г. А. юқорида қайд этилган валюта айирбошлаш шохобчасидан 1500 АҚШ долларини ўз номига олган ва уни келишувға кўра Д. А.га бераётганда ушлаган.

Ушбу иш бўйича суриштирув давомида фуқаро Д. А. Юнусобод тумани, 9-мавзеда жойлашган «Ўзсаноатқурилиш» банкнинг Юнусобод тумани бўлимидаги валюта айирбошлаш шохобчасига фуқароларни навбатға қўйиш билан шугулланиб келишиги ва бунинг эвазига 50 миң сўмдан 90 миң сўмгача ноқонуний хизмат ҳақи олишлиги, фуқаро Ж. Махкамова ва М. Муҳамедоваларнинг ҳар бирининг паспортига 1500 АҚШ долларида олдирилганлиги ва бунинг эвазига валюта айирбошлаш шохобчасига уларни навбатға қўйишға ваъда берганлиги аниқланган.

Шунингдек бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида фуқаро Р. Ю. Миробод туманидаги Кунаев ва Нукус кўчалари кесилган жойда жойлашган 16 қаватли 86/1 уй ёнида қонунға хилоф равишда 9000 АҚШ долларини 10 миллион 725 миң сўмға сотаётган вақтида қўлга олинди ва шу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қонунни четлаб ўтиб, ноқонуний олди-сотди билан шугулланаётган шовшовлар шунини билиб қўйишлари лозим: «Кўза кунда эмас, кунда синади».

Шамсиддин МАМАТОВ, Темура ХУСАИНОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютаға оид жиноятларға қарши курашиш бошқармаси суриштирув бўлими ходимлари.

«Тошкент оқшоми»

ХУҚУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ**Қонунга ҳурмат ва
итоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**43. Алиментни суд тартибда
ундиришда нималарга эътибор
бериш керак?**

Алиментни суд тартибда ундиришда эътиборли жиҳат шундаки, алимент даъво тақдим этилган кундан бошлаб ундирилади (**Оила кодексининг 136-моддаси**).

Башарти алимент тўлаши шарт бўлган шахс уни тўлашдан бош тортганлиги, шунингдек алимент оловчи оилани сақлаб қолиш мақсадида ёки бошқа узрли сабабларга кўра ўз вақтида даъво тақдим қилмаганлиги аниқланса, суд иш ҳолатларига қараб, ўтган вақт учун, аммо уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга алимент ундириши мумкин.

Шуниси ҳам борки, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, алимент вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

**44. Алимент тўлашдан бош
тортганлик учун жавобгарлик
борми?**

Вояга етмаган ёки вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга алимент тўлашдан, уларни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси ва Оила кодексининг 79-моддаси**).

**45. Алимент ундириш ҳақидаги
суд қарорлари ким томонидан
ижро этилади?**

Суднинг алимент ундириш ҳақидаги қарорларини мажбурий ижро этиш, «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимлари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Ижрони таъминлаш мазкур Департамент ёки унинг ҳудудий бўлими томонидан назоратга олинади.

Азиз китобхон, ёдинда бўлсинки, мамлакатимизда:

◆ Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эга

◆ Никоҳ тузиш ихтиёрдир. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади. Никоҳланувчи шахслар ўз розиликлари билан тиббий кўрикдан ўтказилади

◆ Никоҳ ёши кўвликни ихтиёр этганлар учун ўн саккиз ёш, келинлар учун ўн етти ёш этиб белгиланган

◆ Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида рўйхатга олинган пайтдан эътиборан кўв-келин эрхотин деб ҳисобланади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас

◆ Эр-хотиннинг турмуш қурганларидан кейин орттирган мол-мулк ҳам, тўйга қадар уларнинг умумий маблағига олинган мол-мулк ҳам уларнинг биргаликдаги умумий мулк саналади

◆ Эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган, тўйдан кейин ҳада, мерос тариқасида ва муайян битим асосида бепул олган мол-мулк, шахсий фойдаланишидаги буюмлари эрнинг (хотиннинг) ўз мулки ҳисобланади

◆ Никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бирининг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида туғайди

◆ Никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи, ўзаро розиликка эришилмаган тақдирда ёки биргаликдаги турмушларидан фарзандлари бўлса, эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг аризасига биноан суд томонидан амалга оширилади

◆ Эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшashi мумкин эмаслиги ҳамда оилани сақлаб қолишнинг имконияти йўқлиги никоҳдан ажратиш учун асос бўлади

◆ Никоҳдан ажратиш суд тартибда амалга оширилаётганда тарафларнинг тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундиришга оид талаблари қаноятантирмийди, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эса бундай талаблар фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари асосида ҳал этилади

(Давоми бор)

**GERMANYANING TA'LLIM TIZIMI
D'USTLIK UCHUN XIZMAT QILADI**

1997 йилда қабул қилинган ва дунёнинг кўп мамлакатларида тан олинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури хорижий мутахассислар томонидан Ватанга, мустақиллик гошларига содиқ фарзандларни тарбиялаш ишида муҳим ўрин тутгани хануз эътироф этилмоқда.

Германияда 326 олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, немис олий таълим тизими қадимги илмий аналалар ва замонавий илм ютуқларини ўзида уйғунлаштирганлиги билан ажралиб туради.

Олий ўқув юртларида назарий билим билан бир қаторда касб бўйича амалий машғулотлар кўшиб олиб борилади. Университетларнинг асосий қисми бу борада халқро концернлар ва хорижий илмий тадқиқот марказлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Германия илмгоҳларида таҳсил олишнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, талабалар эгалламоқчи бўлган фанлар рўйхатини ўзлари белгилайдилар. Германияда бепул ўқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилади.

Олий ўқув юртлари ўртасида 1386 йилда ташкил топган Гейдельберг университети энг нуфузли ва қадимий ҳисобланади. XIX асрдан эътиборан бу университет Европанинг энг яхши ҳуқуқшунослик мактабларидан, деб эътироф этилади.

Машҳур файласуфлар Гегель ва Ясперс, кимёгар Геймгольц ва яна саккиз нафар Нобель мукофоти совриндорлари шу илмгоҳда ишлаб, маърузалар ўқишган.

Бугунги кунда Гейдельберг университетида таҳсил олаётган 27 минг талабанинг ўн ёш фазисини хорижликлар ташкил этади. Шу ўринда республикамиз ёшлари ҳам Германиянинг олий таълим муассасаларида билим олаётганликларини таъкидлаш ўринли бўлади.

Бугунги кунда юздан ортиқ талаба бу давлатнинг турли шаҳарларида кўлаб мутахассисликлар бўйича таҳсил олмақда.

Сирасини айтганда, бу талабаларимиз ўтган асрнинг 20-30-йилларида Германиянинг Бонн, Берлин, Дрезден, Дармштадт, Гейдельберг ва бошқа университетларида кимё, электротехника, фалсафа, тиббиёт, машинасозлик, тарих каби соҳаларда ўқишга келган етмишга ўзбек «қалдирғочлари» ишларининг давомчилари бўлдилар.

Уша пайтда ҳам немис жамоатчилиги юртимиз ҳаёти,

унинг тарихи ва маданияти билан яхши таниш эди. Германияда биринчилар қаторида таҳсил олган талабалардан бири Саттор Жаббор бу ҳақда ўз эсдаликларида шундай деб ёзди: «Хар бир немис хонадони эшиги биз учун очик эди. Улар туркий тилимизни Европа тиллари сирасига қўшганлари эса биз учун унутилмас воқеа бўлди, чунки кириш имтиҳонларини энди ўз она тилимизда топшириш имконияти туғилди».

«Қалдирғочларимиз» немис оилаларида яшаб, маданий қадриятлар билан ўртоқлашиш орқали ўзаро маънавий бойиб борганлар. Ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги ушбу дўстлик ришталари Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги мингглаб километрик масофага қарамай ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Авлод кетидан янги авлод келмоқда. Бугун мустақил Ўзбекистоннинг ёшлари илк ўзбек талабалари изидан бориб, улкан мақсадлар сари интилоқдалар. Мақсад эса битта — Ол-Ватан манфаатлари, буюк келажак ва халқ фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиш.

«Жаҳон» АА,
А. АКБАРОВ,
Берлин.

• АНЖУМАНЛАР**Ижобий
баҳоланди**

«Пахта тозалаш, тўқимачилик ва энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари» деган мавзуда ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси олий ўқув юртларида шу соҳалар бўйича билим олаётган толиби илмлар учун жиддий синов бўлди. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ташаббуси билан уюштирилган бу анжуман дастуридан ўрин олган маърузалар асосан бакалаврият талабалари томонидан ўқилди.

«Пахта тозалаш саноатининг долзарб муаммолари, тўқимачилик саноати машиналари ва ускуналари» шўъбасининг ўзида 30 нафардан ортиқ изланувчан бакалаврлар чиқиш қилишди. «Пахта тозалаш корхоналарида нам пахтани қуритиш инновацион лойиҳаси», «Пахта тозалаш заводининг чангсизлантириш технологияси», «Пахтани ҳаво фавворасида тўхтовсиз қуритиш усуллари» каби маърузалар эса ижобий баҳоланди.

Конференциянинг «Энгил саноат маҳсулотларининг технологияси», «Ипак технологияси», «Пардозлаш, Кимёвий толалар ва матбаа технологияси» шўъбаларида ҳам бакалавр талабалар ўзларининг энг яхши изланишлари натижалари бўйича маърузалар билан чиқдилар.

Аҳмад АББОСОВ



Шахримизнинг хушманзара гўшалари.

МОНОГРАФИЯ ЧОП ЭТИЛДИ

Ислол таълимотининг йирик намоянаси аллома Хўжа Аҳрор ўз фаолияти билан Урта Осиё ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Унинг ана шу бой маънавий мероси шарқшунос ва тарихчи олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинмоқда.

Таниқли тарихчи олим Элёр Қаримовнинг самарали изланиши билан йирик илмий монография ҳам юзага келди. У «Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти» деган ном билан Ўзбекистон ёш олимлари, миллий жамияти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институти ҳамкорлигида босмага тайёрланди. Яқинда чоп этилган бу китобда чет элдик олимларнинг Хўжа Аҳрор илмий меросини ўрганиш борасида амалга ошираётган изланишлари тўғрисида ҳам атрофлича фикр юритилган.

Мазкур янги нашр аллома таваллудининг 600 йиллигига яхши совға бўлди. Айни вақтда бу китоб инглиз тилида ҳам босиб чиқариладиган бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТАНИШ ДОНО БЎЛУҒ...

● Камтарлик — кишига зебузийнатдир. Кимки соддаликда, ўзини тута билишда, кишиларга хурмат-иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқлилик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозе қилади.

● Мартабанг баланд бўлишини тиласанг, камтар бўл, барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласанку, уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка бўй қўзади.

● Хар бир ишни тантанавозлик билан бошлаб, унинг хотимаси яхши бўлса, шод-хуррамлик ва тантана қочмайди.

● Бир доғишманд ўғлига насихат қилиб айтди:

— Дунё кезиб, яхши ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно «Мен илмда зўрман», деб керилмайди, мактанчоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтарлик, нодоннинг иллати — манманлик. Зағизгон куш хар қанча баланд учган билан лочин бўлмайди, зеро, олтин қоса синган билан баҳоси камаймайди.

ХИКОЯТ. Сойда тик ўсган қамиш олтин бугдойзорга қараб гап қотди:

— Хой бошоқ, ўзинг тилладек ярқироқсану нега энди бош эгиб турасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ, — бошимда эл доғи бор... Ҳаммасини кузда кўра-миз.

Куз келиб одамлар бошоқдан дон тайёрлаб кўзга суртдилар, кеккайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:

**Димосингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқси,
Қамиш кеккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма босди.**

● Тил ботирлиги панд едиради, меҳнатга ўрганган ботир кўл доим қанд едиради.

● Кўшнинг — қариндошнинг яқин, ёмон гап айтиб, кўнглини қолдирма, тонали кунда бошингга иш тушганда бўйнинг ҳам бўлади.

● Тўғрисўз эгри қулоқларга ёқмайди, аммо тўғри ишлар қилишга юксак ёрдам беради.

● Тўти хар қанча кўп гапирса ҳам, уни ҳеч ким одам демаяди, чунки у бировдан эшитганини такрорлайди.

● Дили пок, нияти холис одам рўст сўзлайди, сўзи пок бўлади.

● Тўғрисўз одам беҳавотир яшайди.

ХИКОЯТ. Бир даврада тил шундай кўп вайсадики, бош қиндолмай унга шикоят қилди:

— Намунча эзмаланмасанг, ахир ўйласангчи, эзмаланиб-эзмаланиб сен озгизга кириб кетасану, мен касофатингга қоламан, маломат тошлари менга тегади.

— Э, аҳмоқ бош, — деди тил.

— Сен ўзинг ўйламасдан мени гапиртирасан, уялгандан озгизга кириб яширинаманда.

Байт:

**Тил илдамидин бўлур фаромат ҳосил,
Юз навъ маломату, надомат ҳосил.**

● Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка эса яхшилик қилиш фақат чин инсоннинг қўлидан келади.

● Қачон, қаерда, қандай ва нимаким қилсанг — хоҳ яхшилик ва хоҳ ёмонлик ҳаммаси ҳам бир кун ўз мевасини беради.

● КАРАТЭ

«ЖАР»ДА ҚЎШ БАЙРАМ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан республикамиз бўйлаб жуда кўплай байрам тадбирлари ўтказилди. 1 июнь куни шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида каратэ бўйича Ўзбекистон учинчи чемпионатининг ўтказилиши ҳам болалар куни билан ўзаро уйғунликда қўш байрамга айланиб кетди.

Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси ва Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган чемпионат баҳсларида Бухоро вилоятининг «Афсона», Фарғона вилоятининг «Юлдуз», Жиззах вилоятининг «Бахмал», Наманган вилоятининг «Билал», Кўкон шаҳрининг «Ўз-каратэ», Хоразм, Навоий,



Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрининг каратэ федерацияси, «Ёш куч» клубларидан, бир сўз билан айтганда Республикаимизнинг барча вилоятларидан энг кучли 130 га яқин ёш ва тажрибали каратэ усталари иштирок этди.

Муҳлислар билан тўлган спорт залда Дилфуза Раҳимова, Ирода Искандарова, Нодиржон Лутфуллаев, Лобар Аҳмедова каби ҳушовоз хонандалар иштирокида чиройли концерт дастури, ёш каратэчиларнинг қурғазмалли чиқишлари йирилганларга хуш кайфият бахш этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Комилжон Юсупов, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавку-

лодда ва Мухтор элчиси Акио Каватолар Ўзбекистонда шугулланувчилар сони 60 мингдан ошиб кетган каратэнинг ёш авлодининг соғлом руҳда, зарарли одатлардан ҳоли ҳолда ўсишига қўшаётган хиссаси, мамлакатимиз довлругини жаҳонга ёйишда каратэчиларимизнинг муваффақиятларини эътироф этишгани ҳолда мусобақа иштирокчиларига омад тилашди.


Сўнг Т.Муҳамедов, П.Усмонов, В.Ҳасанбеков каби яққаураш заҳматқашларига 5 дан қора белбоғ дипломлари топширилди.

Албатта кучлилар кескин ва мурасасиз баҳслардан кейин маълум бўлади. Чемпионатга энг кучлилар йирилганлиги сабабли голибларини аниқлаш осон кечмади. Спортчилар томонидан чиройли усуллар қўлланилганидан кейин эса зал узра тез-тез қарсақлар янграб турди. Шундай қилиб, финал беллашувларидан сўнг ўғил болалар ўртасида ката баҳсларида Тошкент каратэ федерацияси (ТКФ) клуби вакили Отабек Қосимов ғалаба қозongan бўлса, қиз болалар ката мусобақасида Тошкентдаги «Каратэ» клуби вакили Дилноза Аҳмаджоноваларга тенг келадиганлар топилмади.

Ўғил болалар ўртасида жамоавий ката беллашувида ҳам Тошкент каратэ федерацияси клуби вакиллари зафар кучишди.

Қўмитэ бўйича қиз болалар ўртасида 53 килограммгача ва 60 килограммдан юқори вазнларда Қашқадарё вилояти вакиллари Лутғия Бойбулатова ва Софья Каспўлатовалар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

Қўмитэдан ўғил болалар ўртасида 55 килограммгача вазндан то 75 килограммгача вазнларда Тошкент каратэ федерацияси клуби вакиллари Отабек Қосимов, Илҳом Каримов, Шерзод



Қодиров, Фарход Аҳмедов, Рустам Фурқоновлар барча рақибларини енгган ҳолда голиблар сафини бошқаришди. Оғир ва мутлақ вазнларда эса Андижон каратэчилари Мурод Мўйидинов, Сардор Бозорхўжаев ва Дониёр Холматовлар голиб чиқишди.

Барча голиб ва совриндорлар медаллар ва дипломлар билан тақдирланди.

Мусобақа натижаларига кўра шу йилнинг сентябрь ойида Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси таркиби саралаб олинди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: каратэ бўйича
Ўзбекистон чемпионатида лавҳалар.**

**Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар.**

Бозор нархи

Шингил ҳикоя

Жамолиддин ишнинг «кўзини» билгани туфайли тезда бойиб кетди. Ҳам-нам дегунча катта сармоғига эга бўлди. Унинг ота ховлисидан мустақил бўлиб чиққанига ҳам икки йилдан ошиб кетди.

Жамолиддиннинг отаси Ҳошим ака Бўстон кўчасида турарди. У томоқ яллиғлинишидан хасталаниб кўрпа-тўшак қилиб ётиб, бир ой дегаданда эндигина оёққа турган эди. Шу боисдан оёқ-қўллари ҳали ҳам мадорсизликдан қалтираб турарди. У йўқлаб келган набираси Сидикжондан ўғли Жамолиддиннинг эртанги яқшанбайлик бозорига улгуриши учун кўй сўяётганини эшитиб:

— Даданг бир ой хасталигимда бир марта келди-ю, шу бўйи бадар қорасини ҳам кўрсатмай кетди: «Отам бор эди-ку, хаста ётган эди-ку, аҳволлари қандайкин», деб ақали эслаб ҳам қўймади хумпар, тошбағир ўғил. Унга фақат пул бўлсагина бас... Ма, мановини олгин-да, бобомнинг шўрва ичкилари келатган экан, деб дадангдан бир оз гўшт ола кел, — дея Сидикжоннинг қўлига тўр сўмкани тутқазиб қўйди.

Сидикжон гўштни олиб келганда Ҳошим ака ховлидаги узум ишқомларнинг остида ўтирарди.

— Ҳа, болам, келдингми? Даданг қандай гўшт бериб юборди? — Ҳошим ака неварасининг қўлидаги тўр сўмкани қўлига олиб қаради. — Даданг анча инсофга келиб қолибди-ку, ўғлим! Унда ёмон эмас, яхши гўшт берибди...

— Даданг «Бу икки кило гўшт, килоси мана мунчадан, бозор нархи», — дедилар, — деди Сидикжон бобосига ер остидан хижолат бўлгандек қараб.

— Нима, нима дединг?

— Килоси фалон сўмдан, бозор нархи, — дедилар, такрорлади набираси.

Ҳошим аканинг қўлидаги гўшт «пақ» этиб ерга тушиб тупроққа беланиб кетди. Унинг бутун вужуди қалт-қалт титради. Чеҳраси докакдек бўзариб кетган эди. У аламли пичирлади: «Бозор нархи!» Қара-я, унинг оғзидан чиққан гапни... У яна менинг ўз болам, ҳа!»

Қария оппоқ соқоллари титраган ҳолда ёқасини тутиб туриб қолди. Унинг беихтиёр ич-ичидан отилиб чиққан хасратли кўз ёшлари тупроққа қоришиб ётган гўшт устига томчилая бошлади...

**Уйғур тилидан
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН
таржимаси.**

● ТУРФА ОЛАМ

Тишдан қурилган минора

Франциядаги машҳур Эйфель минорасини ким билмайди дейсиз? Минора қурилгандан бунён унинг модели турли материаллардан хар хил катталиқлардан ишланган. Испаниялик Хуан Мерчен миноранинг яна бир антиқа моделини тайёрлади. У ўзининг қурилиши учун махсус ишланган уч мингта сигир тишини танлади. Бундай йирик коллекцияни у кўплай дўстлари ёрдамида икки йил йиғди. Сигир тишларидан тайёрланган бир метрлик минорага Мерченнинг бир йилу 3 ой вақти кетди.

Шиша ҳам ёнади

Шишанинг ёнганини ҳеч кўрганмисиз? Йўқ деб жавоб беришингиз тайин, ҳатто эшитмагансиз ҳам, фақат эритиб, ундан у-бу нарса тайёрланишини кўрганмисиз ёки эшитганмисиз, холос. Лексин Ҳиндистоннинг Райпу шаҳрида яшовчи Ҳамрал Баба, Нкир-таман шишаларни бемалол ёндиради.

Гап шундаки, у рангсиз суюқлик яратган. Уни шиша ё ойна устига сепиб, гугурт чақилса бўлди, куйиб қулга айланади.

Ҳамрал ўша суюқликни кўп сонли томошабинлар орасида ва телевидение гувоҳлигида синавдан ўтказди.

Обид ҲАМИДОВ тайёрлади.

Спорт

Мерганлар баҳси

Шайхонтохур туманидаги «Аликон» спорт мажмуида уч кун давомида спортнинг ўқ отиш тури бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Спортчиларнинг чаққонлик, эпчиллик, зехни ўткирлиги мерганлик хислатларини шакллантиришга хизмат қилувчи ушбу баҳсларнинг айланали ўқ отиш йўналишида ҳамшаҳримиз Сергей Смесовга тенг келадиган рақиб топилмади. Чемпионатнинг кумуш медалига эса Алексей Черненко сазовор бўлди. Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари тўхфа этилди.

Ғолиб аниқланди

Тошкент шаҳридаги янги замонавий сув ҳавзаси уч кун давомида сузувчилар билан гавжум бўлди. Чунки бу ерда сузиш бўйича мамлакат биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган 120 нафар спортчилар 10 та жамоага бўлинган ҳолда 50 ва 100 метрга чалқанча сузиш, баттерфляй усулида сузиш йўналишларида ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди. Ушбу баҳсларда 11 нафар спортчиларнинг ҳам иштирок этганлиги мусобақаларнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Мусобақалар якунида эса Денис Егоров, Анна Фомина, Саида Искандароваларнинг бошқалардан кўра маҳоратли эканликлари исботланиб чемпионатнинг олтин медалларини кўлга киритишди.

Ироданинг ажойиб ғалабаси

Францияда жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари иштирокида халқаро турнир бошланди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисимиз «малика»си Ирода Тўлагановага яна омад кулиб бокди. Йилдан-йилга маҳорати юксалиб бораётган Ирода бу сафар италиялик рақибни Сера Заньеттини икки сетда 6/2, 7/5 ҳисобида мағлубиятга учрата олди ва кейинги босқичда баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини кўлга киритди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ



Тенгдошларингиз ижодидан

УСТОЗЛАРГА

Мақтабга илк қўйганда қадам,
Мурғак қалбим қувонганди хўб.
Юракларим меҳрибон одам —
Устозимни севар эдим кўп.
Илк бор қалам тутқазган эди,
Илк ёзишни ўргатган устоз.
Нафасидан келар гул хиди,
Хат ўқишни ўргатган устоз.
Ўсиб катта бўлганим сайин,
Ҳаётимни ишондим унга.
Одоб билан сўзлашни майин
Ўргатмишлар устозим менга.
Бугун байрам, табриклар сизни,
Олай, дедим дуоингизни,
Эзгуликка ўргатган бизни,
Устозларим кутлайман сизни.

СИНФДОШ

Эсингиздами, синфдош, энг биринчи кўнғирок,
Дўстлар билан ўйнашиб, юрар эдик шўх, қувнок.
Эсингдами, синфдош, энг биринчи муаллим,
Ўйинкароқ бўлсак ҳам бизга берарди таълим.
Эсингдами, синфдош, энг биринчи партадош,
Тўққиз йил ўқиб бирга ҳозиргача у йўлдош.
Эсингдами, синфдош, бебошлик пайтларимиз,
Ёшлиқнинг девонига ёзилган байтларимиз.

Умидаҳон АБДУСАТТОР қизи.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Эзгу мақсадлар сари

Мақтаб муқаддас маскан! Илмга кон, меҳрга бой,
завқ шавқ ва шўхликларга тўлиқ макон. Бу кутлуғ даргоҳда сўнги кўнғирок садолари жаранлаганига ҳам ҳали кўп бўлгани йўқ.

Ҳозир шаҳримиздаги барча умумтаълим мактабларининг битирувчи синфлари учун қизгин палла. Улар давлат якуний имтиҳонларини топшироқдалар. Ун биринчи ҳамда тўққизинчи синф битирувчиларининг қалбларида айни кунларда «Ким бўлсам экан?» деган савол кечмоқда. Биз ана шу ёшларнинг орзу-ўйлари ва келгусидаги режалари ҳақида уларнинг бир нечаси билан суҳбатлашдик.

Шохруҳ ЖҮРАЕВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги 90-ўрта мактабнинг 11-синф битирувчиси:

— Сўнги кўнғирок жаранлаганда қалбимни ҳаяжон ва қувонч ҳисси эгаллади. Наҳотки 11 йил бир зумда ўтиб кетган бўлса. Устозларимдан бир умр миннатдорман. Синфдошларимга ва тенгдошларимга эса омад ва бахт тилаб қоламан. Ниятим, келажақда дипломат бўлиш. Орауларим сон-саноксиз. Шioriим: ўқиш, изланиш ва интилиш.

Азиза ЗОКИРОВА,
Акмал Икромов туманидаги 123-мактабнинг 9-синф битирувчиси:

— Шўху шодон болалигимизни, илк маротаба синф парталарига гурур-ла ўтиганимизни, меҳрибон устозимизни ҳудда яхши эслаймам. Устозларингдан, синфдош дўстларингдан узоқлашиш оғир албатта. Келгусидаги ниятларим улкан. Коллежда, сўнгра институтда таълим олиш ниятидаман. Орауим иқтисодчи бўлиб етишиш ва халқимизнинг оғирини енгил қилиш.

Қамола ҲАМИДОВА,
Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Орауим юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, ота-онам ва барча яқинларим соғ бўлишини. Устозларимизга минг бора раҳмат. Уларни ҳеч қачон унутмаймиз. Келажақда журналист бўлиш ниятидаман. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ҳужжат топшироқчиман. Қалбларимизда бир умрга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган сўнги кўнғирок садолари ҳамон қулоқларим остида жаранламоқда. Янги ҳаёт сари қадам қўйяпмиз.

Дарҳақиқат, келажақка ёрқин назар, тўлиқ ишонч, бир олам эзгу-умидлар билан боқаётган бу ёшларимизнинг қалби фахр ва ифтихор туйғуси ила лиммолим тўлиқ. Чунки, уларни суягувчи доно ва зукко устозлари, меҳр-муҳаббат билан севувчи яқинлари, дўсту биродарлари бор.

Орзулари ойдан-да баланд битирувчи ёшларга қарата, парвозингиз юксак чўққиларни, гўзал ошиёнларни илму урфон ила забт этаверсин, илк қадамларингиз кутлуғ бўлсин, дея ният билдириб қоламиз.
Гулчехра ДУРДИЕВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомобилотранспорт воситаларининг кимовши савдоси ўтказилади.

1. «Фольксваген» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 08-45, бошланғич нархи 1 800 000 сўм, техник носоз;
2. «ГАЗ-2401» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 726 бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
3. «ГАЗ-2411» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АВ 609, бошланғич нархи 180 000 сўм, техник носоз;
4. «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AQ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
5. «Ваз-2107» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
6. «Москвич-412» автомобили, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 390, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
7. «Форд скорпио» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 2 983 207 сўм, техник носоз;
8. «Газ-3110» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 2 800 000 сўм, техник носоз;
9. «Москвич-21412» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 23-76, бошланғич нархи 633 480 сўм, техник носоз;
10. «Опель вектра-А» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AJ 750, бошланғич нархи 2 708 980 сўм, техник носоз;
11. «ГАЗ-3307» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 B 67-10, бошланғич нархи 600 000 сўм, техник носоз;
12. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AK 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
13. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
14. «Газ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
15. «Газ-24» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 200 000 сўм;
16. «КАВЗ-664» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
17. «ГКБ-8527» прицеги, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-11 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимовши савдоси 2003 йил 4 июнь кунин соат 14.00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидида ўтказилади.

Кимовши савдосидида иштирок этиш учун ариза қабул қилиш савдога 3 кун қолганда тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5952 нусxada босилади. Қогоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида йўриқлари билан рўйхатта давлелар

Наширни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маъбада акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй.